

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ДИЛНОЗА ЖЎРАЕВНА**

**МАҲАЛЛИЙ КЎМИРЛАР АСОСИДА САНОАТ ОҚАВА СУВЛАРИНИ  
ТОЗАЛАШ ВА ТЕХНОГЕН ЭРИТМАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН  
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Жумаева Дилноза Жўраевна**

Маҳаллий кўмирлар асосида саноат оқава сувларини тозалаш ва  
техноген эритмаларни қайта ишлаш учун адсорбентлар олиш ва қўллаш  
технологияси..... 3

**Жумаева Дилноза Жўраевна**

Технология получения и применения адсорбентов на основе местных  
углей для очистки промышленных стоков и переработки техногенных  
растворов..... 27

**Jumaeva Dilnoza Juraevna**

Technology of obtaining and application of adsorbents based on local coals  
for cleaning industrial effluents and processing of technogenic solutions..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ДИЛНОЗА ЖЎРАЕВНА**

**МАҲАЛЛИЙ КЎМИРЛАР АСОСИДА САНОАТ ОҚАВА СУВЛАРИНИ  
ТОЗАЛАШ ВА ТЕХНОГЕН ЭРИТМАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН  
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Агзамходжаев Анварходжа Атаходжаевич  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович  
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Мирахмат Пулатович  
Техника фанларидоктори, профессор

Нарметова Гульнора Розыкуловна  
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химоysi Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузурдаги DSc.27.06.2017.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «31» 10 2017 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruiz@mail.ru)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2017 йил «17» 10 кун тарқатилди.  
(2017 йил «17» 10 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.ф.д., профессор, академик

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда адсорбентлар табиий, техник мақсадларда фойдаланиладиган коммунал ва саноат оқава сувларини турли табиатга эга бўлган чиқиндилардан тозалашда, гидрометаллургияда рангли ва қимматбаҳо металллар адсорбциясида кенг қўлланилади. Кўмир асосида олинадиган адсорбентларни саноат оқава сувларини тозалаш ва нодир метал ионларни ажратиб олиш мақсадида қўлланилганда юқори самарадорликка эришилади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён маҳаллий хом ашёлар асосида турли хилдаги кўмир адсорбентларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва уларни саноат оқава сувларини тозалашда қўллаш технологияларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш борасида кенг камровли чора-тадбирлар асосида назарий ва амалий натижаларга эришилди. Хусусан, саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш, металлургия саноатининг технологик эритмалари таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишда қўлланилаётган импорт адсорбентлар ўрнига маҳаллий хом ашё асосида олинадиган адсорбентларнинг технологик усуллари ва шартлари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш керакки, республикамиз табиий хом ашё ресурсларига бой бўлишига қарамай, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами бугунги кун талабларига мос келмайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан саноат оқава сувларини тозалаш ва техноген эритмалар таркибидан рангли ва қимматбаҳо металл ионларини ажратиб олиш учун кўмир адсорбентларини маҳаллий хом-ашё асосида ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда экология муҳофазаси масаласидан бири саноат оқава сувларини тозалаш, техноген эритмалар таркибидан нодир металлларни ажратиб олиш, ушбу муаммолар ечими сифатида адсорбентлар ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда танлаб ютиш хусусиятини ва кўп компонентли саноат оқава сувларини тозалашда фойдаланиш давомийлигини ошириш мақсадида кўмир адсорбентлари олтингугурт, фосфор ва бошқа қўшимчалар билан модификациялаш орқали адсорбентлар яратиш технологиясини ишлаб чиқиш, адсорбентлардан ишлаб чиқариш жараёнларининг нефть-газ саноати корхоналарида эритувчи буғлар рекуперациясининг технологиясида газларни тозалаш ва қуритишда қўллаш, суюқ ва буғли углеводородлар, шунингдек, саноат оқава сувларини органик зарарли заррачалардан регенератив ва деструктив комплекс ҳолда тўлиқ тозалашда фойдаланиш, уларнинг коллоид кимёвий, физик-кимёвий, технологик ва адсорбцион хусусиятларини тадқиқ этиш, кимё ва нефтни қайта ишлаш корхоналари саноати оқава сувларини тозалашда қўллашнинг

самарали усулларини яратиш кабилар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари, шунингдек 2015 йил 29 майдаги 142-сон «2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги» Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>**

Кўмир адсорбентларининг турли хилларини яратиш ва уларни қўллашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for Global Environment Strategies (Япония), Nanyang Technological University (Сингапур), Environment Canada's National Water Research Institute (Канада), National Research Council (АҚШ), Safe Drinking Water Committee, Belhim (Белорусия), Technical Adviser (Chemical) Government of Gujrat Industries commissioner (Ҳиндистон), VVP Engineering College (Ҳиндистон), United States Environment Protection Agency, Institute of Chemical Engineering, Bulgarian Academy of Science (Болгария), ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Саноат оқава сувларини органик ва ноорганик моддалардан тозалаш ва қаттиқлигини юмшатишга оид жаҳонда адсорбцион ва кимёвий усулларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, саноат оқава сувларидан кадмий, хром, никель, мис ва рухдан тозалашнинг адсорбцион усули ишлаб чиқилган (Томск политехника илмий тадқиқот университети, Россия); симоб, кадмий, мишьяк, мис, цинк каби қатор металл катионларини ажратиб олиш, саноат ва ичимлик сувлари қаттиқлигини юмшатиб, органик кимёвий моддалардан тозалашнинг сорбцион усули яратилган (National Research Council, АҚШ, Safe Drinking Water Committee, Belhim (Белорусия), термик ва кислотали қайта ишлов берилган фаолланган кўмирдан фойдаланиб, саноат оқава сувларини органик ва ноорганик қўшимчалардан тозалаш усули ишлаб чиқилган (VVP Engineering College, Ҳиндистон); фаол

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.iges.or.jp/en>; <http://www.ntu.edu.sg>; [www.newswise.com](http://www.newswise.com); <https://en.wikipedia.org>; [www.mass.gov](http://www.mass.gov); <https://ic.gujarat.gov.in>; [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

сорбцион хусусиятга эга адсорбентлар лигнит, бентонит ва цеолитлар ёрдамида саноат оқава сувларини адсорбция усулида тозалашнинг илмий асослари яратилган (Technical Adviser (Chemical) Government of Guigarat Industries commissione).

Дунёда саноат оқава сувларини тозалаш учун кўмир адсорбентларини олишда уларни турли усуллар билан фаоллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўмир хом ашёсини фаоллаштириб, адсорбент олиш усулини ишлаб чиқиш (термик, паргазли, кислотали, кимёвий фаоллаш); саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш усулларини ишлаб чиқиш (адсорбентлар ёрдамида адсорбция усулида, кимёвий реагентлар ва ионитлар билан тозалаш); ҳар хил металл ионлари билан тўйинган саноат оқава сувларини тозалаш учун адсорбентларнинг турли композицияларини яратиш; саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш; фаоллаштирилган кўмир адсорбентларини олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига доир илмий-техникавий адабиётларда ўрганилаётган объектнинг дисперс тизимларда коллоид-кимёвий жараёнлар (хоссалар)ни ўрганиш ва тартибга солиш, уларни яратиш масалалари муҳокама қилинади. Ўзбекистонда коллоид кимё соҳасида К.С. Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакилларида Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, Г.У. Рахматқариев, В.П. Гуро, С.З. Муминов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, И.К. Сатаев, О.К. Бейсенбаев, И.Д. Эшметов, Д.С. Салиханова ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтгача металлургия ва нефтни қайта ишлаш саноати оқава сувларини кўшимча металл ионлари ва нефть маҳсулотлари, шунингдек, металлургия саноатининг технологик эритмалари таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш учун Ангрен қўнғир ва Бойсун ҳамда Шарғун тошкўмирлари асосида адсорбентлар олиш усулларини яратиш борасидаги тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А13-Т159 «Техноген чиқитлар ва технологик эритмалардан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияси» (2012-2014 йй.) ва ФА-А13-Т131 «Рангли металлургия технологик қоришмаларини нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотларини адсорбциялаб тозалаш технологияси» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** маҳаллий қўнғир ва тошкўмирлар асосида импорт ўрнини босувчи адсорбентлар яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда, уларни саноат оқава сувларини тозалашда ва техноген эритмаларини қайта ишлашда қўллашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўмир адсорбентларини олиш учун яроқли бўлган Ўзбекистон худудидаги кўмир конлари намуналарининг кимёвий таркиби, коллоид-кимёвий ва адсорбцион хоссалари таҳлилини бажариш;

олинадиган адсорбентларнинг селектив сирт фаоллиги билан кўмирларнинг физик-кимёвий хусусиятлари таъсирини тадқиқ этиш;

Бойсун, Шарғун ва Ангрен конларига мансуб маҳаллий кўмирлардан олинадиган термик, кислотали фаоллантирилган ва модификацияланган кўмир адсорбентлари таркибий тузилиши (текстурасини), яъни солиштирма сирт юзаси, ғоваклиги ва кислород тутувчи гуруҳ концентрациясини тадқиқ этиш;

саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш учун, шунингдек, металлургия саноати технологик эритмалари таркибидан рангли ва нодир металлларни ажратиш олиш учун импорт ўрнини босувчи индивидуал таъсирлашадиган кўмир адсорбентларини ва улар асосида самарали композицияларни яратиш;

саноат оқава сувларини тозалаш учун маҳаллий кўмирлар асосида олинган модифицирланган углеродли адсорбентларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

оқава сувларни тозалаш ва технологик эритмалар таркибидан рангли ва нодир (қимматбаҳо) металлларни ажратиш олиш жараёнларида сирти фаоллаштирилган, сульфурланган кўмир адсорбентларини қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ангрен кўнғир, Бойсун ва Шарғун тошкўмирлари, улар асосида термик ва кислотали фаоллаштирилган кўмир адсорбентлари ва импорт-аналог фаоллаштирилган кўмир (ФК), металлургия ва нефтни қайта ишлаш саноати оқава сувлари, таркибида рангли ва нодир металллар мавжуд бўлган саноат технологик-модел эритмалари.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хомашё-Ангрен кўнғир, Бойсун ва Шарғун тошкўмирлари асосида импорт ўрнини босувчи кўмир адсорбентларини олиш усуллари, уларнинг адсорбцион ва коллоид-кимёвий хоссалари ва уларни саноат оқава сувларини тозалаш, ҳамда техноген эритмалар таркибидан нодир металл ионларини ажратиш жараёнларидаги қонуниятларни ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда тадқиқотларнинг физик ва коллоид-кимёвий (ИК-спектроскопия, рентген дифрактографияси, адсорбцион, аналитик ва бошқа) каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олеумнинг  $\text{H}_2\text{SO}_4(\text{SO}_3)$  19-20% ли концентрацияси ўрнига  $\text{H}_2\text{SO}_4(\text{SO}_3)$  10-12%ли концентрацияси қўлланилиб, Бойсун тошкўмирини кислотали фаоллаб олинган адсорбент саноатда қўлланилаётган импорт фаол адсорбентга нисбатан  $\text{Cu}^{2+}$  ва  $\text{Ag}^+$  ионларини адсорбцияси бўйича 1.3-1.5 марта юқори адсорбцион хусусиятга эга сульфокўмир адсорбентларини олиш



технологияси ишлаб чиқилган;

кам кул миқдорига эга Ангрен кўмиридан пиролиз усулида (500-550°C ҳароратда, 1-1.5 соат вақт давомида, ҳавосиз муҳитда) олинган танлаб ютувчи термик фаолланган адсорбентдан фойдаланиб, оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалашнинг юқори самарали усули яратилган;

термик фаол углеродли адсорбентни паргаз усули билан 800°C ҳароратда 1 соат давомида фаоллантириб, саноат оқава сувларини органик моддалардан (полифеноллар, хлорли бирикмалар ва ш.к.) тозалашнинг шароитлари асосланган;

CaCO<sub>3</sub> билан модификациялаш орқали олинган кўмир адсорбенти ёрдамида саноат оқава сувларини юмшатиш усули ишлаб чиқилган.

саноат оқава сувларини кўп поғонали комплекс тозалаш технологияси ва ишлатилган адсорбентни республика халқ хўжалигининг турли соҳаларида қайта қўллашнинг усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи термик ва кислотали фаоллаштирилган адсорбентларни яратиш усуллари ва технологияси ишлаб чиқилди;

олинган адсорбентлар асосида саноат оқава сувларини селектив тозалашнинг уч босқичли технологияси ишлаб чиқилди;

тавсия этилган адсорбентлар олишнинг технологик схемаси ва регламенти ишлаб чиқилди;

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, Магистрал газ қувурлари бошқармаси «Ўзтрансгаз» АЖ, «Газлинефтьгазқазибчиқариш» МЧЖ саноат оқава сувларини термик фаоллаштирилган адсорбент ёрдамида нефть маҳсулотларидан тозалаш бўйича тажриба синов ишлари амалга оширилди, саноат оқава сувининг сифати рухсат этилган меъёрга тўлиқ мос келиши кузатилди;

2 БПК маркали Ангрен қўнғир кўмирини ишқорий-ер металлари билан композиция ҳосил қилиб олинган адсорбентни «Андижонкабель» очик турдаги АЖ кўшма корхонасида саноат оқава суви, техник сув ва ичимлик сувларини тозалаш, ҳамда юмшатиш бўйича тажриба синовларидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий таҳлил (рентгенфазали, ИҚ-таҳлил, визуал-полиметрик) натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг бир қатор: Ангрен, Бойсун ва Шаргун конларига мансуб қўнғир ва тошкўмирлар, улар асосида олинган кўмир адсорбентлари сиртларидаги фаолланиш жараёнларининг қонуниятлари ва хусусиятларининг аниқланганлиги ушбу йўналишдаги ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий кўмирлар асосида фаоллаштирилган янги адсорбентлар олиш, шу йўналишдаги мўлжалланган

ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, шунингдек, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университетининг ўқув жараёнларида қўлланилишига хизмат қилади. Термик ва сульфокислотали қайта ишлов бериб, самарали фаоллашда ҳароратнинг ва сульфурлашдаги реагентлар концентрациясининг оптимал режими аниқланди, саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларида ва қатор саноатларнинг технологик эритмалари таркибидан рангли ва нодир (қимматбаҳо) металлларни ажратиб олишда аҳамиятга эга бўлиб олинган адсорбентлар адсорбцион хусусиятлари бўйича импорт аналогига рақобатбардош бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хом ашёлар асосида кўмир адсорбентларини ишлаб чиқиш технологияси ва улар ёрдамида саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистоннинг кўнғир ва тошкўмирлари асосида кўмир (углеродли) адсорбентлари олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 17088447-02:2017). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилишга имкон беради;

саноат оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалаш учун маҳаллий хомашё асосида углеродли адсорбентлар олиш бўйича Х-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ билан хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 26 майда №1771-01/02/03/2017 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада комбинат оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалаш учун четдан олиб келинаётган адсорбент маҳаллий кўмир адсорбентига алмаштирилганда адсорбент таннархини 5-6 баравар камайтириш имконини берган;

маҳаллий хомашё асосида олинган (ТБКУ ва КБКУ) адсорбентлар саноат оқава сувларини нефть маҳсулотларидан тозалашда «Газлинефтьгазқазибчиқариш» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтьгаз» АКнинг 2017 йил 11 октябрдаги 12-2-148-сон маълумотномаси). Натижада таркибида нефть маҳсулотлари ва эриган ноорганик моддалар бўлган саноат оқава сувларини маҳаллий адсорбентлар ёрдамида тозаланганда талаб меъригача тозалаш ва техник сув сифатида қайта технологик циклга қайтариш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 30 та, жумладан 13 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек ЎЗР интеллектуал мулк агентлигига (№ИАР 20160288) патент учун ариза билан мурожаат қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Саноат технологиялари ва атроф-муҳит муҳофазасида кўмир адсорбентларининг қўлланилиши»** деб номланган биринчи бобида ёғочни фаоллаштириб олинган кўмир, кўмир-минералли композициялар, цеолитлар, углеродли нанотрубкалар)дан фойдаланишнинг илмий асослари ҳақидаги маълумотлар; адсорбент сиртининг физик-кимёвий хоссалари ҳақидаги, улар ёрдамида саноат оқава сувларини тозалаш; кўмир адсорбентларини гидрометаллургияда қўллаш ҳақида сўз юритилган. Кўриб чиқилган илмий ишларга танқидий ёндашиш асосида тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Республикамиз саноатига кўмир адсорбентларини ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари»** деб номланган иккинчи бобида маҳаллий хомашёларга қўйилган талабларга асосан кўмир адсорбентларини олиш учун яроқли бўлган 2БПК маркали Ангрен қўнғир кўмири, 1ССКОМ маркали Шарғун ва 1Т маркали Бойсун тошкўмирлари танлаб олинди, ва уларнинг физик-кимёвий, техник ва минералогик хоссалари ўрганилди. Маҳаллий кўмир адсорбентларини олиш учун хомашё базаси бўлган Тошкент (Ангрен захиралари) ва Сурхондарё (Шарғун ва Бойсун захиралари) вилоятига мансуб кўмир захиралари таркиби (1-жадвалда) келтирилган.

Кўмирнинг ноорганик қисми кимёвий таркиби адсорбент тузилмасини ташкил қилишда аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, дастлабки кўмир намуналарининг кимёвий таркиби ва кул микдорлари ўрганилди. Кўмирнинг минерал қисмидаги сувда эрувчи ноорганик моддалари ( $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{Al}^{3+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{K}^{+}$  катионлари,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^{-}$  анионлари) кўмир адсорбентининг адсорбцион хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади.

Ангрен қўнғир кўмирлари Бойсун ва Шарғун тошкўмирларидан сирт юзасининг физик-кимёвий хоссалари билан фарқ қилади. Улар сирт юзасида реакцион-фаол кислород тутувчи функционал гуруҳларга (карбоксил ва гидроксил) эга. Кўмирнинг минерал таркиби бирдан бир неча ўн фоизларни ташкил этиши мумкин. Қўнғир ва тошкўмирларнинг минерал ёт унсурлари ва гил моддалар таркибига: темир сульфидлари, карбонатлар ва кварц моддалари киради. Кўмир кулининг кимёвий таркибини ўзига хослиги

адсорбентнинг адсорбцион хусусиятларига таъсир қилади.

1-жадвал

**Ангрен қўнғир кўмири, Шарғун ва Бойсун тошкўмирларининг кимёвий ва техник таҳлили**

Кўмир намунаси рақами	Техник таҳлил				Ёнувчи қисмидан чикувчи учувчан моддалар миқдори, V <sup>г</sup> , %	Кимёвий таҳлил		
	Намлиги, %		Кул миқдори, %			Кўмир таркибидаги ёнувчан қисм таркиби, мг-экв/г		
	Ишчи ёнилғи, W <sup>p</sup>	Аналитик намуна, W <sup>A</sup>	Аналитик намуна, A <sup>л</sup>	Қуруқ масса, A <sup>c</sup>		COOH гуруҳи	OH гуруҳи	COOH+OH Суммаси
1	22.6	10.0	11.5	12.8	34.2	0.32	1.4	1.72
2	10.6	11.6	30.9	34.9	36.6	0.21	1.6	1.81
3	42.0	16.7	47.4	56.9	40.8	0.16	1.5	1.66
4	35.0	2.1	10.3	10.5	35.4	0.36	0.2	0.56
5	8.0	1.8	10.0	10.2	25.8	0.25	0.21	0.46

Изоҳ: 1-Ангрен қўнғир кўмири; 2-Ангрен 2БОМСШ-Б1 маркали кондицион кўмири; 3-Ангрен 2БОМСШ-Б2 маркали кондицион кўмири; 4-Шарғун 1ССКОМ маркали тошкўмири; 5-Бойсун 1Т маркали тошкўмири

Ангрен қўнғир кўмирлари Бойсун ва Шарғун тошкўмирларидан сирт юзасининг физик-кимёвий хоссалари билан фарқ қилади. Улар сирт юзасида реакцион-фаол кислород тутувчи функционал гуруҳларга (карбоксил ва гидроксил) эга. Кўмирнинг минерал таркиби бирдан бир неча ўн фоизларни ташкил этиши мумкин. Қўнғир ва тошкўмирларнинг минерал ёт унсурлари ва гил моддалар таркибига: темир сульфидлари, карбонатлар ва кварц моддалари киради. Кўмир кулининг кимёвий таркибини ўзига хослиги адсорбентнинг адсорбцион хусусиятларига таъсир қилади.

Маълумки, кўмирларда мавжуд кислород тутувчи гуруҳлар термик фаоллаштиришда сусаяди, оксидланиш жараёнида эса кўпаяди. Бундан келиб чиққан ҳолда кўмирнинг сорбцион сиғимига термик фаоллаштириш ва оксидланишнинг таъсири (Ангрен қўнғир кўмири мисолида) бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди (2-жадвал).

Кўмир сиртида функционал гуруҳларнинг мавжудлиги, хусусан кислоталик хусусиятни намоён этиб, карбоксил гуруҳларнинг мавжудлиги адсорбцион сиғими билан боғлиқлигини ифодалайди. Оксидланган кўмирда катионлар билан ион алмашилишнинг юқори танловчанлиги бир неча ўзига хосликларга эга.


**2БПК маркали Ангрен кўнғир кўмирига термик ишлов беришнинг унинг сорбцион хоссаларига таъсири**

Кўмир номи	Сувдаги рН	Таркиби мг.экв/г			Сорбцион сифими
		сумма	СООН	ОН	Cu <sup>2+</sup> г/кг қуруқ модда массаси бўйича
Ангрен, 2БПК дастлабки	6.20	1.72	0.32	1.40	34.2
120°C қиздирилган	6.20	1.67	0.28	1.39	26.30
200°C гача	6.30	1.63	0.25	1.38	24.80
300°C гача	6.50	1.54	0.02	1.34	9.10
400°C гача	6.70	0.60	0.00	0.60	0.00
500°C гача	6.70	0.25	0.00	0.25	0.00
600°C гача	6.60	0.07	0.00	0.07	0.00

Тадқиқотлар натижасига кўра, динамик шароитларда статик шароитларга нисбатан 30% мис ионининг кам сорбцияланиши ион алмашилиш жараёни барқарорлигининг давомийлиги билан тушунтирилади.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хомашё бўлган кўнғир-тошкўмирлари асосида кўмир адсорбенти олиш усулини ишлаб чиқиш**» номли учинчи бобида кўмир сиртини модификациялаш жараёнини унинг сорбцион фаоллигига таъсири ўрганилди. Термик ва кимёвий фаоллаштириш натижасида кўмир юзасида кислород тутувчи функционал гуруҳларга эгаллиги сорбцион хусусиятига ва ион алмашилиш ҳолатига таъсири аниқланди. 2БПК маркали Ангрен кўнғир кўмирининг дастлабки ва 550°C ҳароратда термик қайта ишлов берилгандан кейинги хусусиятларининг рентген дифрактометрияси 1-расмда келтирилган. Кўнғир кўмир микро тузилмасининг пиролиз жараёнидан келиб чиқадиган (термик қайта ишлов бериш 500-550°C гача) ўзгариши (метаморфизми)нинг тадқиқоти олиб борилди. Кўмир таркибидаги асосий сув ҳажми 115°C ҳароратга етгунча йўқолиб бориши аниқланди. Ҳароратнинг кейинги ошиб боришида структуранинг кўмир қатламлари юзасининг минерал қисмидаги кимёвий реакциялар билан боғлиқ ўзгаришлар кузатилади. Ҳароратнинг охири кўтарилиши билан боғлиқ, яъни пиролиз жараёнининг ярим коксланиш давригача (500-550°C ҳароратгача) кўмир юмшайди, учувчан моддаларнинг ажралиши кузатилади, кўмир заррачаларида эса ғоваклар ҳосил бўла бошлайди.

2БПК маркали Ангрен кўнғир кўмирини ҳавосиз шароитда 550°C да термик фаоллантириш натижасида янги адсорбент олишга эришилди. Уларнинг физик-кимёвий ва адсорбцион хоссалари ўрганилди.



**1-расм. Дастлабки ва термик ишлов берилган (550°C да) кўмирларнинг рентген дифрактометрияси натижалари**


Термик фаоллаштириш натижасида кўмир сув юқтирмаслик хусусиятини намоён этиб (юзанинг намланиш бурчаги  $\alpha=99^\circ$ ), юқори ғовакликка (30% ғоваклар ҳажми) эга эканлиги аниқланди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Термик ишлов берилган углеродли адсорбентлар ёрдамида тозаланган «Муборак ГҚИЗ» УК оқава сувларидаги нефть маҳсулотларининг миқдори\***

Тозалаш учун кетган адсорбент миқдори, г/л	Термик ишлов берилган адсорбент ёрдамида тозалангандан кейинги қолган нефть маҳсулотлари миқдори, мг/л
0.2	13.8
0.4	10.6
0.6	6.4
0.8	3.2
1.0	0.91
2.0	0.45
3.0	0.44

\* оқава сув таркибидаги дастлабки нефть маҳсулоти миқдори 14.6 мг/л га тенг.



**2-расм. Фаоллаштирилган кўмир адсорбентини олиш ва термик қайта ишлашнинг технологик схемаси.**

1– Ангрен кўмирини сақлаш омбори; 2 – болғали майдалагич; 3 – барабанли қуритгич; 4 – шарли майдалагич; 5 – термик қайта ишлаш учун айланувчи печ; 6 – тозаланмаган газ учун газгольдер; 7 – оҳакли сут учун сиғим; 8 – CO<sub>2</sub> дан тозаланган газ учун газгольдер; 9 – газ истеъмолчиси; 10 – совутиш агрегати; 11 – аралаштиргич; 12 – боғловчи учун сиғим; 13 – гранула ҳосил қилувчи; 14 – барабанли қуритгич; 15 – буғ-газли фаоллаш реактори; 16 – музлатгич; 17 – қопларга жойлаш.

Кўмирни ҳавосиз муҳитда 550°C ҳароратда термик фаоллаштириш усули билан олинган адсорбент иқтисодий камхарж бўлиб, 1 тонна 2БПК маркали ангрен кўнғир кўмири фаоллаштирилганда 750 кг кўмир адсорбенти ва ёқилғи сифатида фодаланиш учун 57 м<sup>3</sup> газни олиш мумкин.

Ангрен кўмирини ҳавосиз шароитда 550°C ҳароратда термик фаоллаштириб олинган адсорбент юзасида оксидланиш жараёнининг тезлашиши ва кислород тутувчи гуруҳларни ҳосил бўлишининг эркин реакция қобилиятли радикалларга эга бўлиши аниқланди. Бунинг асосида ҳавосиз шароитда 550°C ҳароратда 30 минут вақт давомида термик фаоллаштириш асосида углеродли адсорбент олишнинг, кейинчалик эса 60 минут вақт давомида 800°C ҳароратда сув буғи ёрдамида фаоллаштиришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди (2-расм).

Дастлабки кўнғир кўмир саноат оқава сувларини ноорганик туз ионларидан тозалаш учун энг мақбул ва энг арзон табиий адсорбент бўлиб ҳисобланади. Лекин кўнғир кўмирнинг ўзи адсорбент сифатида ишлатилса, унинг адсорбцион сифими тўла-тўқис ишламайди. Бу жараён эритмадан металл ионларини ажратиб олишда десорбцияга тескари жараён бўлган эркин кислоталарнинг ажралиб чиқиши билан тушунтирилади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун ажралиб чиқаётган кислотани нейтраллаш керак бўлади.

#### 4-жадвал

#### 2БПК маркали Ангрен кўмири ва улар асосида олинган композицион адсорбент ёрдамида «Ангрен тоғ-металлургия комбинати» АЖ «Кўч-булок» кони саноат оқава сувларини тозалаш

Саноат суви таркибидаги ингридиентлар, мг/л	«Кўч-Булок» оқава сувининг дастлабки таркиби	2БПК маркали кўмир билан тозалангандан сўнг оқава сув таркиби	Композицион кўмир адсорбенти ёрдамида тозалангандан сўнг оқава сув таркиби
Калий	9.30	6.80	3.00
Натрий	156.00	6.40	6.20
Кальций	230.42	105.45	24.25
Хлоридлар	153.17	29.58	20.10
Сульфатлар	2249.80	349.37	214.58
рН	8.00	8.00	7.80
СО <sub>2</sub>	2.46	2.82	0.0
Қуруқ қолдиқ	3931.00	846.00	766.00
Умумий қаттиқлик, мг экв/л	16.40	8.40	8.10



Қўйилган масаланинг ечимини топиш учун кўмир адсорбенти, ҳамда кальций ва/ёки барий карбонати асосида олинган янги композицион адсорбент таклиф этилди. Уларни саноат оқава сувларини тозалашнинг лаборатория шароитида тадқиқ этилган натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Янги термик фаоллаштирилган ва композицион кўмир адсорбентларининг лаборатория тадқиқотлари асосида олинган ижобий натижалари нефтни қайта ишлаш саноати оқава сувлари таркибидан ноорганик бирикмалар ва нефть маҳсулотларини тозалаш учун тавсия этилди. Ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида селективлик хусусиятига эга бўлган (сорбция жараёнида эритмадан металл ионларини танлаб ютувчи) ғовак тузилма ҳосил қилувчи адсорбентларга талаб юқори. Шунинг учун асосий эътибор адсорбцион материалларни олиш усулларини такомиллаштиришга, ҳамда уларнинг физик-механикавий ва адсорбцион хусусиятларини ошириш мақсадида хомашё базасини кенгайтиришга қаратилган.


Ҳозирги вақтда адсорбент олиш учун бошқа усуллар сингари таркибида табиий углерод сақловчи хом ашёни кимёвий фаоллаштириш усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бунда кимёвий фаоллаштирувчи сифатида ишқорий-ер металлларининг карбонатлари, ноорганик кислоталар ва тузлар термолиз жараёнида кўмирларнинг ғовак тузилмасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Сульфокўмирларни олиш учун хом ашё сифатида Сурхондарё вилояти кўмир конига мансуб (1ССКОМ маркали) Шарғун ва (1Т маркали) Бойсун тошкўмирлари намуналари танланди. Таклиф этилаётган сульфокўмир адсорбентларини олиш усули хомашё кўмирни икки хил ёндошувдан фойдаланиб, кимёвий ва термик фаоллаш усулига асосланиб олинган. Дастлабки ёндошувда юқори концентрацияга эга бўлмаган маълум технология асосида олинган паст концентрацияли (таркиби 3-5% ли сульфат кислота) реагент-олеумдан фойдаланиб амалга оширилди. Иккинчи ёндашувда эса термик ишлов бериш усули кўмир юзасини термик фаоллантиришда маълум бўлган технологиясидан фарқ қилмайдиган, металл ионларининг хемосорбциясига ёрдам берувчи ион алмашилиш механизми бўйича гидроксид ва карбоксил бирикмаларининг тузилишига олиб келувчи усулдан фойдаланилди. Фаоллаштиришнинг иккала усулидан фойдаланган ҳолда янги сульфокўмир адсорбентлари олишга эришилди.

Сувли эритмалардан кумуш ионларини адсорбцияси бўйича лаборатория шароитида олиб борилган изланишлар натижасида 1Т маркали Бойсун кўмири асосида олинган адсорбент четдан келтирилган фаоллаштирилган кўмир (ФК) адсорбенти билан солиштирилганда  $Ag^+$  ионларининг адсорбцияси бўйича 30-40% юқори сорбцион самарадорликни ташкил этганлигини кузатиш мумкин (3-расм).


Мис ионларига нисбатан адсорбентларнинг сорбцион фаоллигини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, маҳаллий Бойсун кўмири асосида

олинган адсорбент четдан келтирилган адсорбентга нисбатан 1.5 марта кўпроқ мис ионлари ( $\text{Cu}^{2+}$ ) ни ютиши кузатилди (4-расм).



3-расм. Эритмадаги  $\text{Ag}^+$  чўкмаси ва  $\text{Ag}^+$  адсорбция микдорининг такқослаш графиги.


1 –  $\text{Ag}^+$  ионининг эритмада қолгани, мг/г; 2 –  $\text{Ag}^+$  ионининг адсорбентда ютилгани, мг/г.



4-расм.  $\text{Cu}^{2+}$  нинг дастлабки ва унинг асосида сульфокўмир юзасидаги адсорбциянинг микдори

1 –  $\text{Cu}^{2+}$  ионининг эритмада қолгани, мг/г; 2 –  $\text{Cu}^{2+}$  ионининг адсорбентда ютилгани, мг/г.

Кам куллик миқдорига эга (8%) 1Т маркали Бойсун тошқўмири асосида сульфурлаш ва термик фаоллаш асосида юқори сиғимли адсорбент олиш технологиясининг схемаси ишлаб чиқилди (5-расм). Шундан сўнг кўмир бир вақтнинг ўзида олеум билан биргаликда герметик берк барабан грануляторга (7) тушади. Бунда олеум ( $H_2SO_4(SO_3)$ -10-12% концентрацияли):тошқўмир (1Т маркали) муносабати 4.0:1.0 нисбатга тўғри келади. Ҳосил бўлган масса узлуксиз равишда 40 дақиқа давомида аралаштириб турилади. Сўнгра олинган сульфомаҳсулот ваннада (9) дистилланган сув ёрдамида рН муҳити 5-6 га тенглашгунча ювилади, қуритиш печида (10) 110-120°C ҳароратда 5-10 % намлик қолгунича қуритилади. Олинган маҳсулот фаол сирт юзага ва юқори адсорбцион ҳажмга эга бўлиб, гидрометаллургияда техноген эритмалар таркибидан нодир металлларни ажратиш олишда селектив адсорбциялаш имконини беради. Тайёр маҳсулот сульфокўмир адсорбентларини қопларга қадоқлаш учун омборхонага (11) юборилади. Таклиф этилаётган кўмирни сульфурлаш жараёни олеум билан ишлов берганда герметик берк реакторида техника ҳавфсизлигига қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда (махсус кийим, респиратор, ниқоб ва бошқаларда) амалга оширилади.




**5-расм. Сульфокўмир адсорбентини олишнинг технологик схемаси.**

1. Бункерли барабан тегирмони; 2. Элаклар (2÷5) жамланмаси; 3. Даствлабки кўмирни ювиш ваннаси; 4. Дистилланган сув; 5. 20-22°C ҳароратли хона температурасида қуритиш; 6. Қуритиш шкафи (даствлабки кўмир намуналарини 110°C да 1% намликкача қуритиш); 7. Аралаштиргичли герметик барабан гранулятори; 8. Олеумни узатиш  $H_2SO_4(SO_3)$  10-12%; 9. Сульфомаҳсулотни нейтраллаштириш учун ванна; 10. Қуритиш шкафи (110°C да сульфурланган кўмирни 30% намликкача қуритиш); 11. Тайёр маҳсулот.

Хулоса қилиб айтганда, энг кам куллар миқдорига эга, 2-5 мм ўлчамли маҳаллий 1Т маркали Бойсун тошкўмирини олеум кислотаси билан 110-120°C ҳароратда сульфурлаш орқали сульфокўмирли адсорбенти олинди.

Тажриба натижаларига асосланиб тенглама функциялари ёрдамида сульфокўмир адсорбентини олишнинг оптимал режими ва динамик сиғимини аниқлашнинг математик модели орқали уларнинг дастлабки асосий параметрлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган математик модель олинган натижаларнинг тўғри ва аниқлигига ишонч ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Моделнинг дастлабки маълумотларга мос келиш таҳлили олинган натижаларнинг қанчалик тўғри эканлигини билдиради. Чизикли регрессион тенгламалар ёрдамида олинган коэффицентлар аҳамиятга эга, модель эса адекват сифатида баҳоланади.


Углеродли адсорбентлардан фойдаланиш соҳаси ошиб бориши билан уларга бўлган талабнинг йилдан йилга ошиб боришига ва бу ҳолат эса ўз навбатида саноат оқава сувларини тозалашдан кейин ишлатиб бўлинган чиқинди адсорбентлар миқдорининг ошиб боришига сабаб бўлади. 6-расмда металлургия ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг оқава сувларини тозалагандан сўнг ишлатиб бўлинган кўмир адсорбентларидан иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш жараёнининг схемаси келтирилган.



6-расм. Оқава сувларни тозалагандан сўнг ишлатиб бўлинган кўмир адсорбентларидан фойдаланиш схемаси

Оқава сувларни нефть маҳсулотлари ва металл ионларидан тозалаш жараёнида ишлатилган кўмир адсорбентларидан қишлоқ хўжалигида органик ўғит сифатида ва иссиқлик энергетикасида ёқилғи сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

Диссертациянинг «Янги кўмир адсорбентларини ишлаб чиқиш натижаларининг амалда қўлланилиши» номли тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикасида мавжуд металлургия ва нефтни қайта ишлаш корхоналари оқава сувларини тозалаш учун ишлаб чиқилган янги кўмир адсорбентларининг лаборатория ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги олиб борилган изланишлари ва уларнинг натижалари келтирилган.



**7-расм. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги оқава сувларни нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотларидан ва ноорганик минерал аралашмалардан тозалашнинг технологик схемаси.**

1-Оқава сув ва термик қайта ишланган углеродли адсорбент билан тўлган аралаштиргичли тиндиргич; 2-оқава сув учун сув ўлчагич. 3- тарози; 4-фаолланган кўмир адсорбентли адсорбцион колонка; 5- композицион адсорбентли адсорбцион колонка.

Оқава сувларни тозалаш ва юмшатиш технологиясини танлаш усули уларнинг кимёвий таркибини билиш орқали аниқланади. Республикамиздаги

металлургия, нефть ва газ саноати тармоқларидаги оқава сувлар таркиби нефть маҳсулотлари ва эрувчан ноорганик моддалар билан ифлосланган бўлади. Ушбу корхоналарнинг оқава сувларини ишлаб чиқилган адсорбентлар ёрдамида тозалаш иқтисодий асосланган ва самарали усуллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий кўмир хомашёси асосида олинган адсорбентларнинг физик-кимёвий ва адсорбцион хоссаларини ўрганиш билан бир қаторда улардан фойдаланишнинг аниқ соҳалари аниқлаб олинди. Масалан, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ оқава сувларини тозалашда кўнғир кўмир асосида олинган янги адсорбент ишлаб чиқариш корхонасида тажриба синовидан ўтказилди. Саноат оқава сувларини тозалашнинг уч босқичли принципаал технологик тизими ишлаб чиқилди (7-расм).

#### 7-жадвал

